

**БАДИХА** - (арабча - тўсатдан айтилган) халк огзаки ижоди анъаналари асосида туйкусдан, хеч кандай тайёргарликсиз, бирданига яратилган шеър ёки кўшик. Бадиха юксак тажриба, иктидор билан боглик ходиса хисобланади. Бахшилар, аскиячилар, масхарабоз ва эртакчилар санъатида бадихагўйлик алохида роль ўйнайди. Аския, иайров ва айтишув каби халк огзаки ижоди жанрлари тўлалигича бадихага асослангандир. Пўлкан шоир, Ислом шоир, Фозил Иўлдош ўгли, Эргаш Жуманбулбул ўгли каби бахши-шоирлар, Юсуфжон кизик, Жўрахон Султонов, Абдулхай Махсум Козоков сингари сўз усталари ижодида бадиха мухим ўрин тутган. Ўрта асрлар ёзма адабиётида бадихага эътибор гоят кучли бўлган. Муайян асарни кайта ижро этганда ижодкорнинг унга киритган ўзгартиришлари ҳам бадиха атамаси билан номланади.